




ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

3 СЕНТЯБР. ЖУМА № 36 (3244) • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

КУЧ АДОЛАТДАДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон КАРИМОВнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳайкаlining очилишига бағишланган тантананда сўзлаган нутқи



Азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти асрда машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳайкаlining очилиши маросимига йиғилдик.

Бугун Шарқда таърихнинг йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарафати билан ўз Ватанига қайтди.

Узоқ йиллар мобайнида мустақиллик исқонидасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқени муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.

Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутилган маҳкам этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий оғриқ, миллий гурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка қўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدдоларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳаммиса юрагида, қалб тўрида сақлади.

Мухаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мерд, доворак, гурурли, ўткир эҳти ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эҳсан эди. Курбон каримни ёд олди, ҳақис илмини ўрганди. Иймон-этиқодини, ҳалол-поқ инсон бўлиб еттишти.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўлғул босқинчилардан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзюда буюк салтанат соҳиб сифатида эл ва элаларнинг бошини қоруштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксекликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлатни қурлиши, ҳарбий санъатни кўрсатган давомида шарқу гарб давлатларига урناق ва андоза бўлди. Унинг замонида мада-

ният, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, musiqa, шеърят бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари тақомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳдларига кўраган чекис меҳрмурувати айниқса ибратлидир.

Кўхна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобюда чекан милсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шикоятларига гувоҳлик беради.

Исофиймон туйғуси, диниат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оланининг қарийб ярмига ҳукмронлик қилган жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликке эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз ҳайкалида теран раъз бор — гўёки жаҳон

Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озошликни соғиниб, озошлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орауларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар! Озошлигимиз абдий бўлсин!

Мухтарам дўстлар! Икки йиллик истиқлол даврида жонажон дийримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкаlining очилиши ўзига хос раъзий бир маънога эгадир.

Ватанимиз истиқлолини янада мустақамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диниат ҳукмрон бўлган эркин жаҳият, меҳнатқаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатини бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-этиқод, миллий гурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотага эга бўлишни талаб қилади. Билекларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентнинг ўрталарида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва гурур беш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва байратли халқимизни бирлаштиришда, жиплаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шикоят бағишляди.

Барчамизга шу йўлда Оллоҳ мададкор бўлғай!



Тўра МИРЗО АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА ТАКБИР

- Гурҳо-гурҳо, урҳо-ур... Нурдан арқон эшади Темирнинг йиғитлари. Ҳисор тоғи тешиди Темирнинг йиғитлари.
- Гурҳо-гурҳо, урҳо-ур... Тоғу тошлар сарғайди Бўлилар кесик-кесик. Темир тиккан байроқдай Осмондаги қўш тик.
- Гурҳо-гурҳо, урҳо-ур... Қилчанинг давидан Ўт чақнаган йиғитлар. Эли айриб гандидан, Юрт алкаган йиғитлар.
- Гурҳо-гурҳо, урҳо-ур... Туркистонни тиклаган Темирнинг азамати. Чув деганда қўқлаган Бу тоғлар — Темир оти.
- Гурҳо-гурҳо, урҳо-ур... Қўшини учиб келар, Тўшини очиб келар, Темир бобом суюрғол Эл-юртага сочиб келар.

БИЗ КИМ АМИР ОЛИМХОН ФАРЗАНДАРИ...

ОЗОД ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ БОШЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИНИНГ ҚИБЛАГОҲИ, МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Қадимий ва навқирон она Туркистонимиз 130 йиллик истиқлол исқонидасидан ҳалос бўлиб эркин байроғини кўтарган сананинг икки йиллиги байрам арафасидадир. Бу кунни наҳоннинг барча эркинпарвар халқлари хушнуд кутмоқда. Аждод авлодларимиз руҳи шодланмоқда. Бу сана асл томири Туркистонда унган халқ учун тарихий, асрий ораулар ушлаган кундир.

Маълуминиёз бўлишимиз, бундан 73 йил муқаддам, худди шу сана — 1920 йилнинг 1 сентябрида тақдир бизнинг отамиз — Бухоро амири Саййид Олимхонни Ватанини тарқ этишга, дин ва илм дийрини босқинчилар қўлига қолдириб кетишга мажбур қилган эди. Шундан кейин падари бузруворимиз ҳам, хонадонимиз аъзолари ҳам, бизга ҳамроҳ бўлган ватандошларимиз ҳам бир орау билан яшадик: Ватан озошлигини қуриш. Бу орау йўлида жисимимиз, тилимиз, дилимиз кураши бир он ҳам тўхтаган эмас. Қўллар кўриблар берилди. Бу кунларга етмаганлар интиқу илҳақликда фаний дунёдан равона бўлдилар. Бугунги Ўзбекистон аҳли қатори ана шу оламшумул даврни қўриш бизга насиб эъдиним, яратганга ҳамду санолар айтаман.

Мухтарам Президент жаноблар!

Ана шу улуғ айёмда, биз — собиқ Бухоро амирининг хорийда таваллуд топиб, Ватан соғинчида яшавган авлодлари, шажан Сизни — Илоҳим, умрингиз узоқ бўлғай — Сиз орқали эри турини кўтарган Ватанимиз аҳлини муборакбод этишга журнат қилдик. Илоҳим, Ватан узра эри қўлини муқим қолдирди. Билганим, бугун биз — хорийдадиларнинг ҳар бирининг уйда, қалбюда тўй. Сиз билан бирга байрам қилишимиз. Иншоолло, порлоқ келажакли буюк давлат баюбо эри йўлидаги саъйи ҳаракатлариниёз вожиб, фуқаронизни иқболли бўлғай.

Ҳабритимизни қабул этиб, халққа етказишга умид борлаб ушбу муборакномани йўлладик.

Хорийки ватандошлар ва собиқ Бухоро амири Саййид Олимхон авлодлари номидан у кишининг фарзандлари:

- Саййид Иброҳим Олимхон ўғли Саййидраҳим Раҳимхон Олимхон ўғли Саййид Ҳоҷиб Олимхон ўғли Саййид Ибод Олимхон ўғли Саййид Кабир Олимхон ўғли Саййид Мансур Олимхон ўғли Саййид Ҳоҷи Олимхон ўғли Саййид Гауф Олимхон ўғли

Ҳозиратей шаҳри, Туркия.



СУРАТЛАРДА: байрам шодибаналаридан лавҳалар. Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратта олган.

СЕССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Кеча ўн иккинчи чариринг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси ўз ишюни бошлади. Сессия кун тартибига «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, «Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, «Давлат статистика тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, «Ўзбек илосини лотин алифбасига ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллик байрамларнинг аур байрами, шодибаналарнинг беҳад шодибанаси, тантаналарнинг энг юксак тантанаси. Бундай улуғ байрамни дунёдаги овоз ва теги хуқуқли халқлар номи Ўзбекистон ҳам ўз байрамидек ишонлай бошлаганига икки йил тўлди. Иккинчи йилги, юртимизнинг мухташам пойтахтидан тортиб, олин-олин қиллоқларигача озошлик тантанаси акс садо бериб турибди. Энг муҳими бундан икки йил муқаддам мустақиллик эълон қилинганда айрим шубҳа қолганлар ҳам, ҳаман шубҳа билдириб юрган баъзи кишилар ҳам бу байрамнинг барқарорлигига ишондилар. Ойлар, йиллар ўтган сари истиқлол туйғусини қонига синдираётган, қалбига жойлабганлар сарфи тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзининг сўнги йиллардаги тарихи давомида турфа қизил байрамларни нишонлаб келди. Қўлимизда ёт байроқларни қўлаб, сохта ширларни кўтариб намойишларга чиқдик. Тош маъбудларнинг пойида туриб, «озод» ва «хур» яшаётган халқни олқишладик. Халқ эса бундан хушнуд бўлиб, ҳали тошга айланмаган дохийларни «ура» садолари билан хурсанд қиларди. Гарчи аўравонлик билан жорий этилган бу байрамларнинг аксарияти халқимизнинг характерига, урф-ода тига тўғри келмаса-да, лекин империянинг зуғуми туфайли уларни тантанали руҳда ўтказишга мажбур эдик. Эндиликда ўша тузуум билан ўша сохта байрамлари ҳам барҳам топди. Барча ёлгон чарирлар, ҳайқирлар, «ура-ура»лар мустақиллик садолари, навалари остида йўқ бўлиб кетди.

Ўзбек ҳақиқий миллат сифатида ўз истиқлолининг икки йиллигини кенг нишонлади. Мустақиллик тарихининг яна бир шонли саҳифаси битилди. Бу саҳифа бутун

жаҳон тан олган буюк бобомиз Амир Темур руҳларини шод этиш билан бошланди. Пойтахтимизнинг Амир Темур майдонига улуғ давлат арбоби ва саркардага муносиб ҳайкал ўрнатилди.

ОЗОДЛИКНИНГ ЎЛМАС САДОСИ

Ҳайкални Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов очди ва нутқ сўзлади. Президент лентани қирқидан олдин бир зум ҳайкалга шикоят билан ўйчан тикилиб қолдилар.

Эҳтимол у киши авлодлар хатоси учун Амир Темур руҳларидан уэр сўрагандир. Эҳтимол мустақиллигимизни ёмон кўзалардан, ёвуз ниятили кимсалардан авайлаб асрашда Саркарда руҳи ҳаммиса мададкор бўлиб, қайта тикланган буюк давлатнинг келажакни ҳам буюк бўлишини тилагандир. Ардоқли шоирни

ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверган, Амир Темур ҳайкаlining қад ростлаши ўзбек халқининг жаҳон олдига яна бир бор гурурини кўтарди, буюк миллат эканлигини исботлади.

Ҳайкаlining очилиш маросимида Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева шу санага атаб битилган янги шеърларини ўқиб бердилар. Таниқли санъаткорлар икросида театрлашган махсус ҳастур намойиш этилди. Соҳибқирон образига чиқиб келган Ўзбекистон халқ

Мустақиллик майдонига бўлиб, байрам тантаналарида иштирок этган вилотлардан келган меҳмонлар билан суҳбатлашдик.

Турсуюн МАМЕДОВА. Наманган вилотида музикали драма театри артисти, Ўзбекистон халқ артисти: — Байрам шодибаналарида қатнашув учун гуллар шаҳри Намангандан бир гуруҳ таниқли санъаткорлар ҳамда Косонсой туманининг «Хушнав» ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари билан пой-

БЕШИКЛАРИМИЗ БИР


Ҳар бир тўй, байрам дўстлар, қардошлар билан янада улуғвор бўлади. Хусусан, Ватан истиқлолга эришган, халқ ўз ҳақ-хуқуқларини қўлга киритган кутлуғ айём нишонланаётган тантаналарда бу йўлда ҳалича дам, ҳаммаслақ бўлган биродарларнинг сўзларини эшитмоқда ортинг бахт йўли. Айниқса, Миллий Осиё давлатларининг истиқлол анжуманларини улар вакиллари шикотириқсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли республикамиз мустақиллигини икки йиллиги юзюли сабаби билан қардош республикалар аждодларининг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Шерхон МУРТАЗОЕВ: (Қавоқистон) — Ҳадемай табият бағрида узраришлар бошланади. Боглар ўз меҳнатларини йил бўйи заҳмат чеккан инсонга

иньом этади, заминга тилларанг берглар тўшелади. Бугдойзорлар, пахтазорлар, тоқзорлар, яйловлар узра меҳнат қўшиқлари авжа чикади. Бу фаслада сувлар тиниқ тортиб, атроф ваэминлашиб қолади. Само қўйинга турналар орғамчи солиб ўтадилар. Одамлар юзларига меҳр ёғилади. Атрофдаги тўкилик қалбларда ҳам гўзал туйғуларни уйғотади...

Қадим Туронзаминда куз ҳаммиса ана шундай қўни-қўни тўлиб-тошиб келган. Шунинг учун ҳам одамлар табиатнинг бу байрамини интиқлик билан кутганлар. Уни яхшилик шарафати учун Меҳр-жон деб атаганлар, одамлар, халқлар ўртасидеги меҳр-муҳаббат ришталари узилмасин дея ният қилганлар. Маана икки йилдирки бу тўйга бизларнинг яна бир улуғ тантанамиза Миллий Осиё жумхурияларининг истиқлол, эрки, озошлик байрамлари қўшиб тантана қилинмоқда.

Ўзбек ҳақиқий миллат сифатида ўз истиқлолининг икки йиллигини кенг нишонлади. Мустақиллик тарихининг яна бир шонли саҳифаси битилди. Бу саҳифа бутун



Давоми иккинчи бетда

ДОМЛА ХАЛҚИМИЗ ва илм аҳли ўртасида энг машҳур ва севимли сўзлардан ҳисобланади. Аммо мен Музаффар Қори ақанинг «Бу сўз маъноси нималигини тополмадим», деган саволига рўпара бўлмаганимча, «домла»ни ҳамма қатори, гоҳ оддийгина, гоҳ катта иштиёқ билан ишлатиб юрaverган эдим. Асосий ишлар орасида бу сўзнинг маъносини суриштириш жуда қўлданмаган тафсиллар ва тафсири борлигини кўрсатди...

Ҳақиқатан ақанида бўлган бир суҳбат Музаффар Қори ака билан адашим Иноят амаки, яна ўн чوғли одам бор эди. Суҳбат мавзуси китоб ва китоб ичиқиб олиш соҳасига қўйилган. Иноят амаки: «Одамнинг устаси шайтонни ҳам алдаган экан», дея бир воқеани айтиб берди:

— Шунақанги бир йилнинг «Менда ёқисаси анбиё» («Пайгамбарлар киссалари») китоби бор, деган гап озимдан чиқиб кетди. Шунда даврдаги бир йил: «У китоб ҳеч қачон йўқ, мен унинг номини эшитмаганман, аммо ўзини кўрмаганман, кўп қидириб ҳеч ердан толмаганман. Сиз, эҳтимол, бошқа китобни айтиётгандирсиз? Агар гапингиз рост бўлса, ҳозир шу китобни кўрсатсангиз, сизга 50 сўм тўлайман», деди.

Мен «Қисас анбиё»ни олиб чиқдим. Йилгит худди қимматбаху нарсани кўрган келди, китобни ҳайратланиб қўлга олди, варақлаб ўша асар эканлигига ишонч ҳоли қилгач, «Амаки, мана, 50 сўм», деб ҳамёнидан пул чиқарди.

Мен «Пулни олмайман, китобни сотмайман ҳам», дедим. «Йўқ демасангиз, бир йилгисини бор», деди йилгит. Сиз бу 50 сўмни олсангиз, Чунки мен қўйган шарҳини баъарингизга. Энди бошқа гап. Бир «домла» мен «Шу китобни топсам, сизга албатта кўрсатаман», деб ваъда бергандим. Шунинг учун уни менга бир кунга бериб турсангиз, мен ўша китобни китобни кўрсатаману кайтариб келтириб бераман».

Мен йилгитга ишониб, китобни бериб юбордим. Мана, ҳалигача на ўзи келди, на китобни бериб юборди...

Гап шу ерга етганида Музаффар Қори ақанинг бир сўзи билан суҳбат мавзуси ҳеч қим сезмаган ҳолда ўз йўналишини ўзгартirdи. У киши бироз пастроқ тошуб билан «Мен ўзини кўп ишлатган «домла» сўзининг маъносини суриштириб, келиб чиқишини ҳеч қайси китобдан тополмай қориман», дедилар. «Ушундан сўрамадингизми, тақсир, у шарҳингизнинг бўйича аччгина маълумотга эга-ку», деди ўтирганлардан бири. «Ушундан сўрамадингизми, тақсир, у шарҳингизнинг бўйича аччгина маълумотга эга-ку», деди ўтирганлардан бири.

— жавоб берди Музаффар Қори ака. — Ҳозирги айри ёшларнинг илми чуқур. Аммо «домла» сўзининг маъносини ўғлим ҳам ечиб бера олмади. Бир одамга шу саволини берсам, «Бу сўзнинг маъноси бор. Таърихда фалончи (бир киши-

қандай илми кишига ҳурмат билан мурожаат этиш формаси», деб ёзилган. Демак, лугатдаги матбуотлар бизнинг «мумий мулоҳазаларга мос келмади».

Энди домла сўзини келтириб чиқарган «домулла» сўзининг маънолари билан танишсам: лугатда «домулла» сўзи арабча деб кўрсатилган ва унинг уч кўл маъносини келтирилган: биринчиси — диний мактаб муаллими, иккинчиси — дуохонлик, иссиқ-совуқ қилиш билан шуғулланувчи шахс, учинчиси — сўлашув тилида ўрта ва олий мактаб ўқитувчиси, деб тушунтирилган.

Мен ҳаваскор шарҳшунос, кимё фанлари номзоиди Абдулбосит Қорабоевдан сўрадим:

«Домла сўзининг такрор такрор айтилиши орасида дилдан «дада-мулла» ибораси ҳам ўтди. Эҳтимол, домла сўзи «дада-мулла»дан келиб чиққан, деб ўзинга ўзим савол бера бошладим. Шу асосда бир қанча сўз ва мантиқларни таҳлил қилиб чиқдим. Натيجида домла сўзининг келиб чиқиши «дада-мулла» сўзидан эканлигига жуда кўп далиллар топиб, ишонч ҳоли қилдим. Фикрда қисланган сўзларнинг баъзилари мана булар: Ҳақимом — бу ҳозир жой, маҳалла маъноларида ишлатилган, аслида эса ўша жойда улуг тилшунос олим Ҳазрати имом Қоф-фол Шойий дафти этилган мақбара бўлгани учун мақбара атрофида маҳалла олимнинг номи билан «Ҳазрати имом» атала бошлаган. Бу қисқартирма бора-бора яна да қисқартириб «Ҳақимом»га айланган. Тошкент шаҳридаги жой ва маҳалла номлари бўлиши Ҳофизқўйи, Шайхонтовур, Ҳажимал сўзлари ҳам тарихий шахслар Ҳофиз Қўҳайи, Шайх Ҳо-ваид Тахур, Ҳожи Қамол номлардан келиб чиққанлигини мутахассислар билишади.

Эски мактаб ва мадраса ўқитувчилари домла дейилган маъно. Бу сўз ҳозирги кунда ўрта мактаб ва олий таълим соҳасидаги кишиларга, фан соҳасида ишловчи иш олиб борувчи кишиларга, устозларга нисбатан ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу ҳаётий мантиқ ҳам домла сўзи бир кишининг исмидан эмас, умуман, «қўнғилидан ота», «или отаси», «илми ота» деган маъмуллар билан бириктирилган ҳам заворини дедил бўлиб туюлди менга. Халқнинг қунақли муомаласида «мулла», «ақамулла» ёки «мулла ака» сўзлари қатори «дада-мулла» ёки «мулла-дада» деган ибора ҳам учрайди. Бир вақтлар оналаримиз бу сўзларни ухлатаётган ёки йилганда овуттиш учун:

Ассалом,
Жийда, бодом,
Ҳали келадур
Мулла додам!
деб аллалар эдилар.

«Ўзбек тилининг изоҳли лугати»нинг 233-саҳифасида «Домла» — сўлашув тилида (огазани нутқда) қўлланиладиган сўз, ибора, ҳар-

фонида бўлган «дада-мулла» ибораси форсий шаклда пайдо бўлиб, қисқариб домла ёки домулла кўринишида фақат ўзбекча ва унга яқин туркий халқларда қабул қилинган, яъни бу шакл ўзгаришлар ва сўлашувда ишлатилиш жараёни туркий халқлар томонидан амалга оширилган. Шунинг учун «домла» ёки «домулла» сўзлари туркий халқларга, хусусан, ўзбекларга тегишли десак, хато бўлмайди. «Иборалардан сўз ясаи ёки сўзларнинг ўзини ихчамлаштириши лингвистикада тежаш принципи дейилади. — деб изоҳлайди профессор Алибек Рустамов. — Сўз ўртасида товушларнинг тушиб қолиши «тортилли» дейилади: Мухаммадин — Мадамани сираи.» («Сўз хусусида сўз», Тошкент, 1987 йил).

Тожиқларда ҳозирги кунда жонли ўзбекча тилда қўлланилувчи домла сўзи ўрта ва олий мактаб ўқитувчиларига нисбатан «муаллим» ёки «арбаб»дан ўқитувчи сўзи қўлланилади. «Домулла» сўзи қўлланилмайди. Бу ҳам «дада-мулла» ибораси, гарчи форсий шакли бўлса ҳам, ўзбекларнинг сўлашув тиллари таркибиде яратилганлигига далил бўлади. Шунингдек, русча-арабча лугатда ҳам домла сўзи учрамайди, преподаватель (яъни ўқитувчи, домла) сўзи — мудarris, муаллим, устоз деб берилган. Бу факт ҳам домла сўзи ўзбекчадаги дада сўзи асосида пайдо бўлганлигини

яна бир далилидир. Араб дунёси талабалари «домла» ўрнида «устоз»ни қўллашади.

Булардан ташқари, агар домлада ўзбекчага ўтган арабча сўз бўлганида, «Навоий асарлари лугати»да келтирилиши лозим эди. У лугатда домла ҳам, домла ҳам келтирилмаган.

...1987 йил охирида Қори ақани домла сўзининг келиб чиқишига асос бўлган деб тахмин қилинган тарихий шахс исмини қайта айтиб беришларини илтимос қилдим. Қори ака «Дада мулло» деб жавоб берди. Қоранинг, «дада» сўзи меннинг мулоҳазамда ҳам асосий, бу исмда ҳам исм бошида келади. Аммо катта фарқи ҳам бор: мулла сўзи

кўрсатилишига қўшилиш қийин.

ОИКРНИ БАНД ҚИЛГАН сўзининг маъноси ва келиб чиқишига тегишли мулоҳазалар ва маъноларнинг маълумотларини баъзи қудрат таҳлил қилиб, қўнғилидан мантиқий таскин топишига эришдик. Бирок бу жараёнда «до-мулла»нинг хитойча «до» — катта деб таълини қилиниши кимга тегишли эканлигини номаълум бўлиб қолди. Бу гапнинг ҳам тағига етиш зарурати туғилди. Чунки «до» — катта, мулла — ўқимшли, деган тафсири бир неча кишидан эшитдик. Демак, биз эътиборсиз қолдирмоқчи бўлган тафсир унчалик бе-

эътибор эмас, аксинча, ачча тарқалган талғи экан.

Шу мулоҳазалар билан Солиқ Қосимовга учрашиб, аниқ маълумот олиш йўлини туддим. У кишини Ғани Жаҳонгиров билан суҳбат асосида учратдим. Икковлар ҳам Боровков ва Бертелс ҳақида завқ-шавқ билан гапирди. Боровков Александр Константинович — рус шарҳшунос олими бўлиб, ўзбек тилида жуда тилиқ гапирар экан. Солиқ Қосимов ўша вақтда Боровковнинг аспиранти, Ғани Жаҳонгиров юқори курс талабаси бўлган.

Бертелс Евгений Эдуардович эса, асли даниялик бўлиб, Ленинградда туруб қолган экан. Ойлали аёли севиниб қолиб, унга уйланган, аёлининг эри уларни Ленинграддан бадарга қилдирган. Бертелс ўзини сургун қилдирган кишидан доимо миннатдор эканлигини айтган экан, чунки ўрта Осиёга келиб, ҳақиқий илм билан шуғулланиш менга nasib бўлди, дер экан.

«Профессор Боровков бизга биринчи дарсга кирганида биз уни танимаганмиз», деди Ғани ака. Дарса кўнғироқ бўлса-да, биз хонага кириб-чиқиб турардик. Бир маҳал деданг оламин келиб, профессор сўзларини кўпайтириб қонага қиринлар, деди. Қарасак, эгнига фу-файка, бошига русча эски кепка, оётига бутинка кийган, юқорисига пахтава ўраган одам кўнғирюкдан ачча илгари хонага кирди, печкага суняган қўйи нимандидур ўқиб турган экан...

Биз 1943—47 йиллари САГУ филология факультетининг биринчи битирувчилари бўлганмиз. Юқори курсда 4 киши ўқидик. Шунга қарамасдан, Боровков, Бертелс ва бошқа кўп дом-

НЕГА „ДОМЛА“ ДЕЙМИЗ?



ча-арабча лугатдан «домла»га маънодош сўзларни қараб беришни илтимос қилган эдим. У гапда «Огазани манбаларга кўра, домла сўзи «до-мулла»дан иборат бўлиб, катта муллага тўғри келади, деган фикрлар бор. Бу ўринда «до» хитойча «катта» деган сўздан олинган деб тушунтиришди, деб ёзди.

Абдулбоситнинг бу талқини дастлаб эътиборсиз қолдирдим. Чунки бу эҳтимолдан анча узоқ тахмин, деб ўйлагандим. Кейинчалик Абдулбосит келтирган хабарини таги чиқиб қолди. Тошкент Давлат дорилфунунининг тил-адабиёт факультетини 1948 йилда тугатган Абдувахоб Йўлдошевнинг гувоҳлик беришича, уларга дарс берган Солиқ Қосимовнинг аспирантлик вақтида рус шарҳшунос домлалардан бири (Бертелс ёки Боровков) ўз талабаларини «домла» деган сўзнинг маъносини сўраган. Талабалар саволига жавоб бера олмаганлар. Сўнгра ўша профессор «домла» сўзини ўзи тафсир қилган. Унинг айтишича, бу сўз «до» хитойча катта деган маънони билдиради. «Шундай талқин қилган киши асли ким эди, Боровковми ёки Бертелсми?» деган саволимга Абдувахоб ака «Аннинг ҳозирда Тил ва адабиёт институтини қизмат қилувчи Солиқ Қосимов айтишлари мумкин», деди.

Маълумки, хитой тили асосида сўз пайдо бўлиши ўзбекчада жуда кам учрайди. Бунинг устига, тарқалиш қўлами ва маъно хиллари энг кўп бўлган домла сўзининг хитойча асосида пайдо бўлиши эҳтимолдан жуда узоқ. Аммо шакл ўзгаришларидан хабарсиз кишига, агар у хитойчада «до» катта эканлигидан хабардор бўлса, бу сўзнинг ўзбекчага ўтганлиги шубҳасиз бўлиб кў-

биз қидираётган «домла»нинг домла тўғри шакли таркибда тўғри қўлланилади, «до» «домулла». «Мавлоно» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» 438-саҳифасида арабча деб белгилаб, му-сулломи Шарқда олим ва фойли кишилар, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатилган сўз деб тафсирланган. Навоий асарлари лугатида эса (345-саҳифа) «Мавлоно» сўзи арабча дейилиб, «мавланий»га қараган, деган қўрсатма бор. «Мавлавий» эса — эга, соҳиб маъноларини билдириши ёзилган.

Шундай қилиб, «Дада мулло» ибораси икки жиҳатдан домла (домулла) сўзининг асоси бўлмайдиган: биринчидан, биргина тарихий шахснинг исми ҳар қандай ўқимшли кишига нисбатан қўлланиб кетиши эҳтимолдан узоқ, иккинчидан, «Мавлоно» ва «мулла» сўзлари ўртасида фарқ бор.

Келтирилган, мулоҳаза ва таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. «Домла» жонли тилда ишлатилган сўз бўлиб, «бувада «домулла» кўринишида ёзилди ва ўқилди.
2. «Домулла» сўзи «до-мулла» иборасининг қисқарган до-мулла шакли бўлиб, унда «дада» сўзи унинг «до-да» кўринишидаги диалектал туридан олинган ва иккинчи «буғини» — «да» қисқарувчи қисм сифатида тушириб қолдирилган.
3. «Домла» сўзини пайдо қилган «до-мулла» ибораси шаклан форсий, мазмунан эса, унинг биринчи бўлаги туркий, иккинчиси арабий, муаллим сўзидан пайдо бўлган ўзбекча сўзидир. Шунинг учун уни арабий эмас, туркий сўз дейиш ўринли бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да «домулла» сўзининг арабча деб

ларлар бизга тўғри дарс ўтишари эди.

Боровков жуда маданиятчи, кўп иш қилган, хусусан, 1921 йили ўзбек болалар ўқимларини тўллаб, нашр қилдирган азамат олим эди. Биз талабалардан «домла» сўзининг маъноси ҳақида қаноатланиб жавоб ололганмагач, ўзи бу сўзни шарҳлаб берган эди. «Ман-ло» — арабчада «Эй тенги йўқ одам», дегани. «Ло» — йўқ деган сўз. Арабларда хат ўқишни, ёзишни билувчиларни жуда қадрлаб, тенги йўқ одам деб таърифлашган экан. Ана шу «ман-ло»дан мулла сўзи пайдо бўлган экан. «Домулла» эса, катта илми одам дегани, «До» хитойча катта дегани. «Солиқ ака Боровковнинг фикрларини изоҳлаб бердилар:

— Боровков «домулла» сўзига хитойча қўшимчанинг кирдишида уйғурлар асосий рол ўйнаганлигини айтган эди. Аввал «до» сўзи уйғурларга ўтиб, сўнг ўзбекларга тарқалган. Шунинг учун бу сўз форсларда ҳам, арабларда ҳам, туркларда ҳам, татарларда ҳам йўқ, чунки улар уйғурлар билан бевосита мулоқотда бўлмаган, дер эди Боровков. Биз у кишини домла десак, «Мен катта мулламанми?» деб гурурланиб қўлиб қўярди.

Солиқ ака ва Ғани ака билан суҳбат мазмунини «домла» сўзини тафсир қилган киши профессор Боровков бўлиб чиқди. Биз учун арабчага ўзида «мулла» сўзи «мавлон»дан келиб чиқгани қўшимча маълумот бўлди. Бу таҳлилни тўғриликни арабшуносларга ҳавола қиламиз. Чунки бу жараён сўз пайдо бўлишининг яна бир поғона чуқур қатламга тааллуқли. Бизнинг «мулла» арабча сўзи эканлиги, «домла» сўзи бошқа халқлар — араблар, форслар, туркларда йўқ эканлиги ҳақиқий фикрларимиз бир хил бўлиб чиқди. Фақат фарқи биз «до» хитойча «катта эмас, ўзбекча «дада»нинг қисқариб ва ўзгарган шакли эканлигига таҳлил ва далиллар келтирдик.

Шоира Ойдин Ҳожиеванинг «ЎзАС»нинг 1989 йил 3 март сониде эълон қилинган «Рухимизда ёнган тушмасин» мақоласида у туғи-

либ-ўсган Бухоро вилоятининг Бустон қишлоғида яшовчи ҳар қил миллат кишиларининг соф ўзбекча, қишлоқ лаҳжасида сўзлашганлари ёдга олинган. Мақолада «Улар соф ўзбекча, қишлоқ лаҳжасида сўзлашар, онамини била «бийи-жон», бири «хомулла-жон» дейишарди», деган жумла ҳам бор. «Хомулла-жон» ибораси биз учун янглиш бўлиб, илгари ҳеч қимдан эшитмаган эдик. Демак, «мулла» сўзи Бухоро томонларда ўқимшли аёлларга нисбатан ҳам ишлатилар экан. Биз юқорида асос қилиб олган «мулла», «ака-мулла», «дада-мулла» сўзлари сиқиласига «хомулла» сўзини ҳам қўшиб лозим бўлади. Қўрилиб турибдики «домулла» сўзи Шарқий Туркистон, яъни уйғурларда хитойча «до» — катта сўзи таъсирида эмас, минг йиллар давомида бутун Марказий Осиё миқёсида юксак фан ва маданият ўчоғи ва маркази бўлиб келган Бухоро томонида дунёга келган «Дада-мулла»нинг тожикча услубда пайдо бўлиб, ўзбекларда тарқалганлиги ҳам Бухоро шароити усту табиий ва тўла мантиқ қасб этади, чунки Бухоро тожиклар ва ўзбеклар истиқомат қиладиган музофотлардан бири.

БУНДАН ТАШҚАРИ, «Навоий асарлари лугати»нинг 401-саҳифасида «муалло» сўзи арабча деб белгиланганини, юксак, баланд, аъло маъноларини билдиришини аниқлади. Ҳозирги кунда ҳам илми ёки хунард ҳар нарсани аниқ фаҳмлай олмайдиган, ҳар қил маъноларини аралаш-қурлаш гапирадиган кишига нисбатан «чаламулла» сўзи ишлатилади. «Мулла» дейилганда эса қишининг тўлиқ маълумотга эга бўлиши тушунилади. Демак, «мулло» сўзи арабча «муалло»дан «а» харфи қисқариб пайдо бўлган.

«Домла» ёки «домулло» сўзларининг асли «дада-муалло» бўлади, у ўзгаришлар натижасида «домла» шаклини олган, десак, хато бўлмас, деб ўйлаймиз.

Иноят ФАЙЗИЕВ



Рассом Т. Саъдуллаев, Алшпер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига ишлаган сурат

Абдулҳақим Шаръий Жузжоний

АЛШПЕР НАВОЙИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Туркий адабиётининг пероли қўшқ, ўзбек классик шеърининг асосчиси, улкан сибастмадор ҳамда давлат арбоби ҳазрати Амир Алшпер Навоий Афғонистон ўзбеклари ва бошқа халқлари томонидан бир ҳақиқий нисони, олиймадор шон сифатида қадрланиб келади, ҳаққоний равишда ҳурмат қилинади.

300 йилдан буён Ҳирот шаҳрида унинг абадий ётароми муҳлисларининг эътироғи ва шеърини шайдоларининг илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Афғонистон ўзбеклари ва бошқа туркий халқлар унинг илми билан фархланганлар, у қолдирган ҳикмати сўзларини фанат туркий халқларини эмас, балки барча Марказий Осиё халқлари учун юксак манабат томон интилиш, бирдмликда дўстона яшаш савоблари деб билишарди.

Бундан икки йил муқаддам 1991 йили Амир Алшпер Навоий фарҳангий анжумани (маданий уюшмаси) иштирокида Афғонистон Филар академияси томонидан икки кунлик халқаро илмий симпозиум оғрали Навоий таваллуҳининг 550 йилгига Қобул шаҳрида тантанали нишонилди. Симпозиумда яқин олми ва адабиётшунослар қаторида ўзбекистонликларидан Абдурашид Абдуғафуров ва Асомаддин Уриновов, Тожикистон олимлари ҳам қатнашган эдилар. Байрам кунсавоби билан биринчи марта Афғонистонда Навоий «Хамса»ни араб алифбосида 2000 нускада нашр этилди ва Навоий тугилганига бағишлаб «Хамса»ни китоблар нашрдан чиқарилди.

Ҳазрати Навоийга Афғонистон халқларининг ҳурмати кўп сайини ошиб бормоқда, чунки, ушбу йил ҳам шароит оғир

ҳазрати Навоий ўзи яратган «Хамса»ни қўлга тутиб туриб, Ҳирот Жоий масжиди, Мозор Шарифдаги ҳазрати Алининг ҳашамати мақбараси, Сарпул дарёси устида қурилган катта кўприк манзараларига кўчур ва маъини бир таразда назар солмоқда эди.

Ундан кейинги кунларда байрам маросими Мозор Шариф шаҳрида давом эттирилиб, илмий симпозиумда турли шеърлар, илмий-таҳқиқий мақолалар, турли паёлар ўқиб билан Навоий хотира ва илмий мақоли эъзозланди.

Навоий 552 йилгига муносабат билан «Жузжоний», «Гу-рош», «Ойина Сарпул» қағазлари махсус сонлар чикариб, «Юлдаш» ва «Индон Ислом» газеталари билан бирга мақолаларга тўхта қилинди. Биз ушбу мақолада ҳурматли муштарийларни маъзур газеталарнинг махсус сонлари билан таништириб ўтмоқчимиз.

Журналист Абдушукр Навон бош муҳаррирликдаги ўзбек ва дарий тилларда чиқадиган «Жузжоний» газетасининг 1993 йил, 10 феврал сониде ҳар икки тилда Навоийга бағишлаб турли мақолалар ва шеърлар нашр этилган. Ҳаммадан аввал биринчи бетнинг тағида катта ҳарфлар билан босилган қуйидаги жумлат кўзга ташланади: ШОИР, ВУЮК ОЎЙИМ ВА СИЁСАТ АРВОБИ АМИР АЛШПЕР НАВОИИ 552 ЙИЛГИНИ ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ. Газетанинг ушбу бети Навоийнинг тарихий портрети ва генерал А. Р. Дустум суварти билан безатилган. Бош мақолада «Навоий адабиёт ва фан буюми арабча сарлавҳаси остида Навоийнинг илмий, адабий қироби» филолиги, ўзбек классик адабиёт раинари соҳасида қилган хизматлари ҳақида қисқача маълумот берилди. Иккинчи бетда Х. Уйғун «Навоий ҳаёт ва фаолиятидан саҳифалар» уновни остида унинг кўнғирларли шахсияти, никодити ва сиёсий фаолияти борасида маълумот бериб, илова қилди: «Томму-таворик» муаллифи ёзишча, Навоий худо исмларининг сонига баробар, яъни минг бир буюқан хайр — хайри-манфаатли жойлар қуришини ниёт қилган экан, аммо у ўз ҳаёти жараёнида улардан фақат 366тасини қуришга муяссар бўлган.

Мақола муаллифи Афғонистон Шимолида унинг дастури билан қурилган биналардан ҳазрати Али қабрининг ҳашаматли биноси, Сарпул дарёси устида қурилган катта кўприк, Сарпул «дарран бани» сув омборини оғир этди.

Газетанинг иккинчи бети ҳам Навоий портрети билан безатилган. Бу бетда Навоий — Фойнидан форча ва ўзбекча иккига газал ҳамда М. Ҳалим Ериқиннинг «Навоий ва фольклор» сарлавҳали мақоласи берилди.

Учинчи бетда Х. Сеганнинг мақоласи нашр этилган. Муаллиф икки буюк шонир аро дўстона муносабатлардан мисоллар келтириб, дўстлик, самимиет ва ишонччи мақтайд.

Шу бетда боши биринчи бетда босилган Жузжон вилояти тилтолов ва кўлтур бошқармасининг қўлов паёми, Ашраф Азимий газали, Ҳафизий Жузжоний мустазади, М. Найм Подсорнинг «Навоий» уновли шеъри, М. Есин Ҳамроҳнинг «Янги чечаклар» уновли шеъри, туркман шоири А. М. Ишқининг Навоий газалига назираси нашр қилинган. Чунончи, Ҳамроҳнинг шеърида шундай эътиборли сатрлар бор:

Эй Навоий, кел бутун бул яхши даврларини кўр,
Барчаси Тарқой улдек шарди майдонларини кўр.
Оғтоби безавол эрдик адав водийсида,
Кел бутун бул янги-янг парвас афшонларини кўр.

Орауинг эрдк очилса, чечаклар бог аро,
Сен умид этган чиройлик богу бустонларини кўр.

Сарпул вилояти марнази — Сарпул шаҳрида журналист М. Ҳошим Маҳдум бош муҳаррирликда ўзбек ва дарий тилларида чиқадиган «Ойина Сарпул» газетасининг 4-нчи феврал сонининг биринчи ва тўртинчи бетларида Навоийнинг кўп қисми Навоий байрамига бағишланган бўлиб, унинг охирида катта ҳарфлар билан айлган қуйидаги ўзбекча жумла ибора диктатини ўз томонида тортади: КЎТЎЛ ВУДСИМ АМИР АЛШПЕР НАВОИИНИНГ 552 ЙИЛГИ!

Ўзбек тилида босилган «Улуг бобомиз сиёмос» уновли бош мақолада «Биз буюк мутафаккир, улуг бобомиз Амир Алшпер Навоий бешоуз эллик икки йилгига байрам қилиб туриб, нелажакда ҳам улусимизга топирилган ваъдаларни бажариш йўлида тағри талошдан муваффақиятлар тилаймиз» дейилди.

Газетанинг учинчи бетига нашр бўлган кичик маълумотномада Навоий асарларининг сони 31 жыл бўлиб, бошқа 7 асар ҳам унинг қаламига мансубдир деб айтилди.

Мақола охирида айтиб ўтиш кераки: биринчидан Афғонистон шимолий вилоятларида ўзбек тилида «Ю душ», ўзбек ва дарий тилларида нашр этилган «Ю жон», «Форб», «Ойина Сарпул» газеталари ва «Йиш» мақаласи ўнда ўзбекларни маданият ва аниқ ўзбек тили тарқатиш учун ташаббус қилган бўлиб, аниқ аниқ бўлдики, Сарпул гиниш кўприги унда «Жу жон кўприги» номи билан саот этилган экан.

Кўприк шаҳарининг шарий томони билан гарб томонини бир-бирига улаштириб туриб унинг устидан ўлаб енгил ва оғир машиналар ўтиб туради.

Ма

Истиқлол сатрлари

Рауф ПАРФИ

ИНОЯТУЛЛО

ТУРКИСТОН ЁДИ

МУСТАҚИЛ ЮРТ МАДҲИ

Нақадар узундир, оғирдир бу йўл,
Далалар ястаниб ётар кўк каби.
Тиллар хотирами осмон — чекки йўқ,
Тизгивас бу шиддат — кенглик асаби.

Бу кенгликда ўйлар мени гижимлар,
Ул ўз қоясиға сўраб келадир.
Қанча қочсанг шунча қилғай ҳужумлар,
Ҳў сингари хотирами тиладир!

Теграмда ич ҳаво — она Туркистон.
Ергаи тоғларини кўр ҳаққоним,
Бу майдон ичиди мени тўкилаган қон,
Менинг уни деи алган жоним.

Яна узоқларга чорлайдир мозий,
Ватан тўшучаси келар етаклаб
Айрилган, хўрланган улус овозин,
Шоирнинг бешиги айтар эртақлар.

Тосавий мақбари мунгаймиш марғур,
Тоғушга айланди ҳар бир гишт ранги.
«Дунё менинг деганлар...» инди келур,
«Қарнас қўшдек...» Қадим сўзлар жаранги.

«Елгон даво қилганлар...» сўзлар шоир,
«Оқин қаро қилганлар...» Айтнинг кимлар?!
Мақбара бошига йиқилар хоир,
Яна тоғуш: «Ҳаром еган қонимлар...»


Парчин-парчин бўлди ёдим симлари,
Симлар — кўзларимга мил торган чизгу.
Утган улугларни эслайман барини,
Хотирот мазори Туркистон мангу.

Кеча содиқ ўғлинг Утди дунёдан,
Саҳий инсон эди, у шоир эди.
Савийлиб яшайди бир увар бада,
Кетабти, мен йиқилб бўлдим, деди.

Ингла эди, кўзим, сен ҳам йиқилб ол,
Тўйсина кўз ёшнинг бу туркий ситам,
Тўйсина, Ватан ёди чидар бемалол,
О, сабр дарахти қўтлур Туркистон.

Нақадар узундир, оғирдир бу йўл.

Мадҳига ярашарсан, мустақил Ўзбекистон!
Дил-у тилимда мадҳинг тинч, аҳил Ўзбекистон!
Шараф-шонинг муборак, бахт доҳил Ўзбекистон!
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Дашт десам дашти ҳам бор, тоғ десам гўзал тоғи,
Хаттоки қумликлари ва жаннатмонанд боғи,
Тўрт тарафда қардоши, жондош, қондош ўртоғи.
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Моҳирлигү закиблик халқини учун бўлган хос.
Қил, баҳор, ёз-у кизи шу Ватангинамга мос.
Бахтли инсон Ватанин севар чекис, беқис!
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Ватан эрур Ватаним машҳур алломаларга —
Моҳир фану фалсафа ҳам шеърый комаларга,
Фаробий, Хоразмига, Улугбек, Верунига,
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Хар эркак аёли шерорак, озоқ ўлкам,
Сарғарда Темур — отам, Тўмарис — азиз онам.
Тобелганин лаънатлаб шадман борар замонам.
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Мустақиллиги Ватанга келди доволар оша,
Ардоқлини бу бахтинг заифу шайх тоша-тоша!
Кўрашлар қўрбонлари — мангу армон-андиша.
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Ватанарварлар номи дил тўрида ҳар доми!
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!
Шоҳу амир, президент халқига содиқ бўлсин!
Доруғамиз овоза этган бахт ортиқ бўлсин!
Иноятулло мадҳи Ватанга тортиқ бўлсин!
Имони бут, барчага очик, кенг Ўзбекистон!
Олам халқлари билан дўст ва тенг Ўзбекистон!



Ўзбекистон! Сени севаман!

Асқад МУХТОР

КЎК ТОШ

МЕН ТОШМАН. КЎК ТОШ. Отим —
Яшми. Ун минг йиллардан бери кўрма-
ган тошман қолмади. Биров бошига кўра-
ди, биров сиртима мениб ўтиради, биров
тўрига қўяди, биров — гўрига. Юрмаган йўл-
ди, кўрмаган элим йўқ. Ер юзининг қайси
бир нуқтасида ётсам, менга-ку барибир, ле-
кин одамларга ҳайронман: тоғу тош демай,
дарёми-денгиз демай — дам дунёнинг у чек-
насиға, дам бу чекнасиға судраганлари-суд-
раган мени. Чиройли эканман, асил эканман,
шаффоф эканман, хўш, келиб томоша қила-
вер. Йўқ-да, меники бўлсин, дейди. Шу «Се-
ники-меники» деган фақат одамда бўлади,
назаримда — уруш-жанжал ҳам, кирғини
ҳам шундан, ўлими ҳам, кулфати ҳам.

Тағин, бунинг гуноҳини ўларидан соғит-
ди қилиш учун, менинг тўғримда муҳдиш афсо-
налар тўқинганини айтмайман!

Кейинги бир неча минг йил давомида-ку
Чин-Мочининг ҳашамати саройларини бе-
заб, анча тинч ўтирдим. У хоҳонинг қасри-
дан бу хоҳонинг саройига сурғалиб анча сай-
даланиб қолган бўлсам ҳам, бус-бутун эдим.
Биров жон бергани ҳам йўқ мени деб. Аммо,
бана энди. Чингиз дегани келатганин ту-
ман-туман лашкари билан дала-лаштин дуду
тўзганга чўлғаб. Мени деб келатганинми,
деман керак бўлсам, мана турирман-ку, кел, ол.
Нима қиласан бутун бир мулкати ўтга ту-
тиб, шаҳарларни кўека совириб, лан-лан лаш-
кари қириб, бегуноҳ элатларни қон-қора
қақшапти! Ераш!

Айтдим-ку, дунёнинг қайси чекнасида ё-
тсам — менга барибир, деб. Мана энди, та-
ниқ сўраб кетишайпти. Чин-Мочинда мени
муқаддас ҳисоблар эдилар, мана энди тинч-
лигим бузилиди, мени деб юзта от, уч юзта
навак овора. Кўп ўтмай, қумда судрайдис-
ган ёғоч чанага тушимди. Чунки устига ҳод-
га қўйиб мени лўқиллатиб олиб кетатган тўрт-
та фил кеча чекаси ўлиб қолди. Чўлга яра-
мас эканда жониворлар. Кейин тўртта туя
туғриқанга жойлаб қўришди, бўлмади, сира-
ғиб тўшиб қумга юмаладим. Олти навак
қайси босиб қолдим, ерга чалақдай ёпишиб жон
тўғришди шўринг қурғурлар. Бу воқеадан кей-
ин хоҳонинг ўзи яна тўрттасини эҳтиёт-
лигини учун қамчилаб ўлдирди. Энди мана
«чана»-даман. Эй, азиз жонини ялганган одам-
лар-ой... Мени-ку, минг йил чўт эмас, бу
туғроқларнинг умри ахир бир нафас. Ўйлаб
қўра-чи, қадрига етса-чи!

Мени жойимдан қўзганганин ўзи бир фа-
ултонатга дучор бўлади, бу афсонани, хали
қоқданишмайди, одамларнинг ўларди тўқиб чи-
қолган, ўларди шунга ишониванди ҳам. Асли
роҳат шундай, шекилли-да, неча марта сина-
қилманман, ўзим ҳам ишониб қолдим афсонага.
Йилқўл теккизишса хавотирланиб тураман. Лекин
ушадимлар... ҳамон жойимда тинч қўйишмай-
адан-да.

Ҳалиги Чингиз дегани ҳам мана мени не
кўраб билан олиб келиди-ю, ўзи, ўша афсонада
саясийлангандай, бекордан-бекор шамоллаб, тў-
мушатдан қаза қилди. Менинг Чин-Мочиндан
50 йовароуннаҳрга кўчиб олганим қолди.
Бери Бу ернинг хўжайини ҳам, унинг оти Чи-
га-сой эди, нафтини кўриб-кўрмай ўлиб кетди.
«Исдамлар буни ҳам менинг насофатимга йў-
мушди, албатта.

Н. 1 Инсон ўтмишдан сабоқ олмас экан-да. Ўша
бўйиғатойинг невариси яна менга қўл уриб,
бор тахшабда тахт қилиб устига миниб ўтирди.
дан... бунга ҳам ёрланганин йўқ. Очинг, тап-
маднинг ҳақимидан афсонада ҳам эмас, ҳам-
маднинг ҳақимидан оқиллигиндан. Ахир, Чин-
Мочин ҳоқонларини мени қайтиб олиб кетиш
нашқун не не хўйлан найранглар ишлаганимди,
мушқун не порая боқилар ваъда қилишмади,
тоқ радаги сотқиллик хивнатлар, қойиб бўлган,
ва тилиб кетган не не одамлар...
таши Ахир, менинг бўлгуси хўжайиним улуг
учунемур барига чек қўйди, очқуз урушқол-
ларин нафсини тийиб, бошини қўшиб, бир тоқ

остига жипслаштирди. Бу машғулотлар бил-
лан бўлиб, у зот менинг тақдиримни жилла
қўздан қочирдилар. Аммо бир доғишмади
набаралари қадримга етди. Мени тоғиб,
пойтахтга кўчириш учун махсус йўл солдир-
ди. Шикаст етмасин, деган-да. Кешдан Са-
марқандга дастлаб мен юрган ўша текис
йўл ҳали ҳам бор, балки қўргандирис.

Доншманда мени буюк босибнинг қабрига
қўйдирди. Мангулик тоза хўшим шу зотнинг
абдий шўҳратига монанд эди, бир неча юз
йил одамларга шу фикрни эслатиб, тинч ёт-
дим.

Афсус, улуглар ўлар экану, одамларнинг
бадшафслиги ўлмас экан. Ўзини жаҳонгир
ҳисоблаган ёвқур ҳумқдор. Нодиршоҳ яна
менга кўз тикди. Самарқанднинг бошқа ган-
жиналари билан бирга мени ҳам Махшадга
кўчириб олиб кетишни буюрди. Улуг зот қаб-
ридан қўриб... Аммо ўз амри ўз кўнглин
туғлула солди, менинг ҳақимдаги муҳдиш
афсона ёнига тушиб, ҳумқдор сўст кетди.
Кўрқоқ юрагига тасалли қилдириб, улуг Те-
мур хотирасига фотихлар ўқитиб, мени
пойтахт қасрида муқаддас тош деб эълон қи-
лишга ваъда бериб, ўз дилини овутиди. Бир-
қун, у барибир, қўрқоқ бир ўғри эди. Дилидаги
ҳадик ҳаловатини олди. Авлиёларнинг арвоқ-
лари, соҳибқироннинг қўриқларига қабри, мақ-
бара найранглари тушларига кириб, баданин
совуқ тер босиб ўйғониб кетарди. Қўрқу-
дан телба бўлишига сал қолганда ахир мени
Самарқандга қайтариб, ўрнимга қўйишга
